

## **MAIN FEATURES OF TRAINING IN THE CONNECTION OF AN INNOVATIVE ECONOMY**

**Bobokulov B M**

Associate Professor of SamSU,  
ferdu\_www@mal.ru, +998937243373

**Umurzakova D E**

SamSU researcher

### **Abstract:**

This article presents the authors' views, suggestions and recommendations on the features of training cadres in innovative economy, the solution of modern cadres training problems.

**Keywords:** innovation, innovative education, knowledge economy, education system, educational concept, innovative research, educational technologies, intellectual capital.

Пандемия натижасида вужудга келган ижтимоий-иктисодий инқироз миллий иктисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида фаолиятни янгича инновацион ёндашув асосида ташкил этиш ва юритишни талаб этади. Хусусан, кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион таълим тизимини шакллантириш ва жорий этилиши заруратини шарт қилиб қўяди. Бу хол таълим тизимини биринчидан, замонавий талаб ва эҳтиёжларга мос мутахассисларни яратишга имкон берса, иккинчидан, билимларга асосланган иктисодиётни шакллантиришни жадаллаштиради.

Инновацион иктисодиётни яратишга бўлган интилиш энг аввало таълимда инновацион таълим концепсиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни объектив заруратини келтириб чиқаради. Бу ҳолат таълим тизимида барқарор (айниқса, олий таълимда) талабларни бажарилишини талаб этади. Булар бизнинг фикримизча, қўйидагилар

- таълим сифатини ошириш, ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар таркибини такомиллаштириш, ҳамда таълимдаги кадрларни юқори малака даражасига эришиш;
- ўқитишининг замонавий технологияларни ривожлантириш, таълим тизимини замонавий стандартлар ва инновацион дастурларга ўтказиш;
- олий таълим тизимида таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига эътиборни кучайтириш;

# INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

[www.journalnx.com](http://www.journalnx.com)

- турли хил узлуксиз ва қўшимча таълим тизими ва шаклларни оммалаштириш ва ривожлантириш;
- олий таълимда ички инновацион татқиқотлар потенциалини ривожлантириш ва кучайтириш;
- нодавлат олий таълим тизимини ривожлантириш, корпоратив таълим муассасаларни кенгайтириш ва улар имкониятидан фойдаланиш;
- олий таълим муассасалари фаолиятига эркинликлар бериш.

Юқорида таъкидланган вазифаларни бажарилиши, бизнинг фикримизча, мамлакатимизда илмий янгиликларни амалиётга кенг жорий этувчи юқори малакали интеллектуал салоҳиятга эга мутахассисларни, инновацион менежерлар тизимини, ижодкор шахсларни шаклланишига олиб келади. Бу ҳолат ўз навбатида, фикримизча, ҳозирги даврда инновацион таълимнинг иқтисодий жиҳатига ёндашувни тубдан ўзгартириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Кўп ҳолларда кадрлар тайёрлашга сарфланадиган ҳаражатларга ишчи кучига қилинадиган сарфлар сифатида қаралади. Ваҳоланки, унга миллый иқтисодиётни ривожлантириш учун йўналтирилган узоқ муддатли капитал қўйилма сифатида қаралиши керак.

Анъанавий таълимдан инновацион таълимнинг иккинчи фарқли жиҳати шундан иборатки, инновацион таълим амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бу ҳолат эса, фундаментал фанлар, ўқув жараёни ва ишлаб чиқариш интеграцияси натижаси бўлмиш замонавий кадрларни тайёрлаш имконини беради. Албатта бу ҳолатда олий таълим муассасаси кўп функцияли замонавий технологиялар билан таъминланган бўлиши керак. Инновацион таълимнинг яна бир фарқли жиҳати шундан иборатки, бунда ўқитиладиган фанларни танлашда билимлар иқтисодиёти, бизнес интелекти, билимларни бошқариш каби тамойилларга устуворлик берилиш керак. Шу ҳолда, таълимнинг асосий мақсади иқтисодиёт учун янги билим ва кўникмаларни шаклланиши, замонавий кадрларни ўқитилиши, турли корхона ва компания миқёсида билимларни бошқариш кабилар тўлиқроқ амалга оширилади. Оқибатда, таълим жараёнининг натижаси бўлмиш билимлар иқтисодий категория ва иқтисодий ривожланишнинг бош омили сифатида тўлиқроқ намоён бўлади.

Жамият миқёсида билимлар иқтисодий категория сифатида тан олиниши, фикримизча, ишчи ва ходимларнинг интеллектуал капиталидан оптималь фойдаланиш билимларни бошқаришни тизим сифатида амал қилиши заруратини келтириб чиқаради. Демак, билимлар иқтисодиётнинг талқини кенг мазмунга эга. У тизимли жараён сифатида

# INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

[www.journalnx.com](http://www.journalnx.com)

қаралиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг мувофаққияти учун билимларни қўллаш, сақлаш, яратиш ва билимларни ўрганиш тамойилларини ўзида мужассамлаштиради. Билимларни бошқариш стратегиясини танлаш ва амалга ошириш учун бўлажак мутахассис-кадрлар мукаммал даражада қуидаги талабларга жавоб берадиган олишлари зарур:

1. Замонавий компанияларда ишлаб чиқариш омиллари сифатида билимлар нималарни ўзида мужассамлаштиради яъни, билимларнинг классификацияси ва технологиясини, индивидуал ва ташкилот билими, билимлар алмашинув маданиятини, уларни объектив муаммоларни ва бошқаларни.

2. Индивидуал капитал нима яъни, индивидуал капитал таърифи, унинг таркиби, интеллектуал мулк ва номоддий активлар тушунчалари, уларни баҳолаш ва ҳисоблаш усуллари ва бошқалар.

3. Инновациялар ва билимларни бошқариш ўртасидаги алоқа қандай яъни, фан, таълим ва амалиёт интеграцияси воситасида инновациялар қандай амалга оширилади, билимларни яратилиши ва қўлланилиши, инновациялар учун билимларни яратилиши, ижодий, илмий фикрлаши ривожлантириш ва бошқалар.

4. Амалиётда билимлар қандай бошқарилади яъни, амалиётда билимларни бошқаришнинг асосий қўринишлари, ташаббуси, тенденциялари, моҳияти қандай, билимларни баҳолаш, билимлар аудити қандай амалга оширилади, билимларни бошқариш жараёнини амалга оширилиши қандай.

Юқорида таъкидланган қобилиятга эга бўлган олий таълим битирувчилари замонавий корхона, ташкилот ва компаниялар учун энг қадрли мутахассислар ҳисобланишади. Чунки, улар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун муҳим бўлган, яъни самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларни оперативлигини ошириш, бизнесдаги хавф-хатарларни камайтириш ва бартараф этиш, ишлаб чиқарувчиларни рақобат устунлигини таъминлаш, инновацион товарлар ва хизматларни яратиш, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш ва бошқа муҳим вазифаларни оператив тарзда бажариш қобилияtlарига эга бўлишади.

Мамлакатимизда замонавий инновацион иқтисодиёт талабларга жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари жаҳондаги кўплаб мамлакатлар олий таълим муассасалари даражасидан анча ортда қолмоқда. Ушбу ҳолатдан чиқиши мақсадида Республикамиз ҳукумати томонидан бир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: “Таълим тўғрисида”ги қонуни (2020 йил 24 сентябр), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш

тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, Ўзбекистон Республикаси “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжатлар Республикаизда таълим тизимини модернизациялаш ва уни жаҳон талабалари даражасига чиқариш жараёнини тезлаштириб, таълим сифатини жамият ва ижтимоий-иқтисодий шароит талабларига мослаштиришга олиб келади. Фикримизча, ҳозирги даврда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар қуидаги йўналишларда:

- 1) Етакчи олий таълим муассасаларни аниқлаш (“flagman” олий таълим муассасалари) ва қўллаб-қувватлаш;
- 2) Олий таълим муассасаларини мустақил фаолиятига эркинликлар бериш;
- 3) Таълим-тарбия, билимларни беришнинг янги услуг ва усулларини оммавий жорий этиш ва билимларни бошқариш механизmlарини такомиллаштириш кабиларда амалга оширилмоқда. Чунки, “таълим сифатини тубдан яхшилаш мақсадида, аввало, ўкув дастуралари, ўқитувчи ва домлолар учун методик қўлланмаларни илгор халқаро мезонларга мослаштириш лозим”.

Ҳозирги даврда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар йўналишларини тўлақонли рўёбга чиқариш бир қатор муаммолар ечими билан узвий боғлиқ. Бизнинг фикримизча, буларга қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Кадрлар тайёрлашда инновацион ўкув дастурлари, ўкув технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш;
2. Профессор-ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;
3. Талабаларни юқори технологиялар воситасида замонавий фан билимларини чукур ўзлаштиришга имконият яратиш ҳамда бўлажак кадрларни рақобатбардошли авлодни шакллантириш;
4. Таълим тизимининг моддий-техник базасини модернизациялаш;
5. Замонавий инновацион иқтисодиёт талабларига жавоб берувчи стандартлар асосида ўқишиш, ўқитишиш ишларини йўлга қўйиши;
6. Бўлажак кадрларни илмий-татқиқот ишларига жалб этиш учун илмий татқиқот ва таълим интеграциясини чуқурлаштириш;
7. Узлуксиз таълим концепсиясини кенг жорий этиш ва бошқалар.

Хулоса сифатида шуни эътироф этиш лозимки, юқорида такидланган масалаларнинг ечими мамлакатимизда инновацион таълим тизимини тезроқ қарор топиши ва жорий этилиши учун шарт-шароитларни яратиб беради.

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON  
HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES**

**FEBRUARY 11-12, 2021**

**JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal**

**ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232**

**[www.journalnx.com](http://www.journalnx.com)**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 2020 йил 24 сентябр. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь. [www.gov.uz](http://www.gov.uz).